E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ - ГЕОГРАФИК ВА МАҲАЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

О.И.Абдуғаниев
ФарДУ, география кафедраси доценти

Абдусатторжон Абдумалик ўғли Абдулхамидов

Фарғона давлат университети, география мутахасислиги магистранти

Аннотатция: В данной статье рассматриваются пространственно-временные аспекты территориальной организации использования земельных ресурсов. Анализируется изменение местной особенности землепользования.

Abctract: This article discusses spatially temporal aspects of the territorial organization of land resources. It is being analyzed the changes in local land use features.

Ключевые слова и фразы: территориальной организации, землепользование, исторический подход, устойчивое развитие.

Key words and phrases: territorial organizations, using land, historical approach, sustainable development.

Кириш. Ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишнинг асосий хусусиятларидан бири унинг макон ва замондаги шаклланиши, фаолият кўрсатиши ва ривожланиш тамойилларининг турличалигидир. Марказий Осиё минтақасида яшовчи аҳоли минг йиллар давомида шариат қонунлари бўйича табиий ресурслардан оқилона, ҳамкорликда фойдаланиб келди. Ҳамюртимиз улуғ аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби, ер ва сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Ҳудудий ташкил этишнинг маконда яъни тарихий-географик районлардаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида юқорида айтилди. Ҳудди шунингдек, ҳудудий ташкил этиш *тарихий* категория бўлиб, замон талабига мос равишда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тартибига бўйсунган ҳолда ўзгариб туради. Жамиятнинг ижтимоий тузуми қандай бўлса, ҳудудий ташкил этиш ҳам шунга мос бўлади [6. 416]. Сиёсий ўзгаришлар натижасида ҳудудий ташкил этиш тамойиллари, турлари ва шакли ҳам ўзгариши мумкин. Бу ҳолат табиатдан, жумладан, ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида янада аниқроқ намоён бўлиши жаҳон мамлакатлари тажрибасида кузатилмоқда [4. 192].

Тадқиқотнинг мақсади. Марказий Осиё минтақасида, хусусан Фарғона водийсида ландшафт қонуниятларига мос тушувчи ҳамда маҳаллий деҳқонлар эхтиёжини қондирувчи табиатдан фойдаланишнинг маданий этник анъаналар ҳам шаклланган. Деҳқончилик соҳасидаги турли усул ва йўналишлар неолит ва энеолит даврларида яратилган бўлиб, узоқ тарихий вақт давомида такомиллашиб борган. Мазкур мақоланинг асосий мақсади юқорида қайд этилган омилларни ҳисобга олган ҳолда Ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишнинг тарихий - географик ва маҳаллий хусусиятларини Фарғона водийси мисолида кўриб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Фарғона водийсида аҳоли, хўжалик ва унинг тармоқлари, табиий шароит ва ресурслар салоҳиятидан фойдаланишнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш жараёнида ҳудуднинг географияси, тарихи ва бошқа хусусиятлари бўйича турли адабиётлар тахлил қилинди. Шунингдек, тарихийлик, географик-таққослаш, адабиётларни ўрганиш, иқтисодий-статистик таҳлил, иқтисодий-математик ва каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди ҳамда карталар ва фонд материаллари ўрганилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ландшафтларда юз берган ўзгаришларни олдини олиш учун амалга оширилган тадбирларни такомиллашиб бориши оқибатида Фарғона водийсида ўзига хос геоэкологик мувозанат шаклланиб борди. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида узоқ йиллар давомида фойдаланиб келинаётган воҳа ландшафтларида табиий ҳудуднинг хусусиятлари эътиборга олинган. Бунга сабаб аждодларимиз томонидан ер, сув ресурсларидан, яъни табиатдан оқилона ва уйғун фойдаланиб келинганлигидир. Бу маданий-этник аньаналардан фойдаланиш жойларда экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига йўл. Ўзбек деҳқонлари томонидан яратилган, айниқса Фарғона водийсида кенг тарқалган этно-экологик қадриятларни ўрганиш ва амлга тадбиқ этиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги методологик асосларга таяниб таҳлил қилинганда, регионал шароитда ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишни учта тури ажратилди [1. 58-59]. Ҳудуднинг табиий имкониятлардан фойдаланишга асосланган ердан фойдаланишнинг *табиий-ташкилий тури* Фарғона водийсида XIX аср охири ва XX аср бошларига қадар мавжуд бўлган. Ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишнинг бу турида рельеф, иқлим, тупроқ хусусиятлари, водийнинг ёпиқ ўрни ҳамда аҳолининг миллий-этник хусусиятлари ҳисобга олинган. Бу тур, одатда, узоқ тарихий вақт давомида шаклланиб, унда тўпланган кўникма, малака ва тажрибалар табиат билан уйғун алоқадорликка асосланади. Бинобарин, экологик нуқтаи назардан қаралганда бу тур энг мустаҳкам бўлиб, шу мақсадда ўрганишга арзийди.

Фарғона водийсида Чор Россияси томонидан пахта экувчи деҳқонларга берилган фоизсиз кредитлар, солиқлардан озод қилиш ва пахтага белгиланган юқори нархлар экин майдонлари таркиби кескин ўзгаришига ва ердан фойдаланишнинг товар – мақсадли тури шаклланишига сабаб бўлди [5. 56]. Бир пуд (16,3 кг) Америка навидаги пахтага 6,45 сўм нарх белгиланди. Қўқон бозорида, 1889 йилда, битта қўйнинг баҳоси 6 сўм, сигир 15-19 сўм, от 35-50 сўм эканлиги назарда тутилса, бу нарх нақадар юқори эканлиги аён бўлади [3. 48]. Бир тонна пахта етиштирган деҳқон оиласи кузда ўзига 15 та қўй ва 2 та сигир ёки 2 та от ва 70 та эчки сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Бу агроиқтисодий сиёсат натижасида экин майдонларининг 70 – 90 фоизини пахта экин майдонлари эгаллади. Кейинги йилларда юқоридаги экин майдонлари таркибининг сақланиб қолишига маъмурий – буйруқбозлик усулидан фойдаланган шўро тузуми ҳам шароит яратди.

В.П.Наливкиннинг (1886) ёзишича, ўрта асрлардан бошлаб водийда тоғ ва текисликда яшовчи аҳоли ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиб, тоғли ҳудудлардан ёзги яйлов сифатида фойдалана бошлаган. Бундай ягона иқтисодий ҳудуд маъмурий бўлинишда ҳам ўз аксини топган. Водийдаги, кейинчалик вилоят ва туман марказлари бўлган йирик аҳоли масканлари аҳолиси тоғли яйловлардаги аҳоли билан узвий алоқада бўлган, аниқроғи ярим кўчманчи ҳаёт кечириб водийнинг йирик шаҳарларига чорвачилик маҳсулотларини етказиб берган. Шу билан бирга водийнинг маъмурий бўлинишида ҳам ушбу ҳолат аниқ ҳисобга олинган. Жумладан, барча уездлар текисликдаги ҳудудларига тенг келадиган тоғли ерларни ўзларига бирлаштирган. Ушбу тадқиқотда бажарилган тарихий-географик районлаштириш фақатгина республика ҳудуди учун ўтказилган, тоғли ҳудудлардаги чорвачиликка ихтисослашган волостлар эса, давлат чегарасидан четда қолган Фарғона водийсининг 1913 йилда яратилган харитасида чорвачилик учун ажратилган волостлар ҳудудининг текислик ҳудудларга деярли тенг эканлигини кўриш мумкин.

Йирик шохли молларнинг катта қисми водийнинг шимолий қисмида - Андижон ва Наманган уездларида тўпланган бўлса, қўйларнинг асосий қисми Наманган ва Марғилон уездларида жамлангандир. Бундан ташқари, ҳар йили водийга четдан чорва ҳайвонлари олиб келинган, Еттисув, Сирдарё ва Хитой (қашқар)дан йилига ўрта ҳисобда 500 минг қўй, 10 минг атрофида от ва 12-14 минг қорамоллар келтирилган [3. 48]. Ҳайвонлар Жалолобод, Избоскан, Водил, Нанай,Учқўрғон аҳоли манзилгоҳларига Кўгарт, қоракўл, қора-қозиқ,

Толдиқ довонларидан олиб ўтилган. Чорвачиликни ҳудудий ташкил этиш бўйича олиб борилган география, этнология соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш ва мавжуд маълумотларни жамлаш асосида Фарғона водийсида чорвачиликни ҳудудий ташкил этишнинг 3 та тарихий тури ажратилди.

1. Текислик-чорвачилиги – ўтроқ аҳоли уйда боқиладиган чорва ҳайвонларини ўзида жамлайди, ўрим-терим тугалланганда ва ёз ойларида паст тоғлар ҳамда адирларга ҳайдаб боқилади. Далаларда боқишда ерларни маҳаллий ўғитлаш вазифасини бажариш ҳам ҳисобга олинади. Водийда яшовчи ўзбек миллати таркибига кирган турклар ҳамда тожик ва қашқарлар шу кўринишдаги чорвачилик билан машғул бўлишган.

2. Тоғ-текислик - чорвачилиги билан водийнинг ярим ўтроқ аҳолиси шуғулланган. Чорва ҳайвонлари камида 2 та баландлик минтақаси оралиғида ҳайдаб боқилган. Йўналишлар кўпинча дарё соҳиллари бўйлаб юқорига кўтарилиб ёки пастга тушиш билан тавсифланган. Бу турдаги ҳайвонларни ҳам текислик ҳудудларга тушиши куз ойларида кузатилган.

3. Тоғ-яйлов чорвачилиги билан асосан кўчманчи аҳоли банд бўлган. Кўпроқ қирғиз ва қора-қирғизлар учун хос бўлган бу турдаги чорва ҳайвонлари фақат сотиш учун бозорларга ҳайдаб тушилган, бошқа вақтларда тоғ ва баланд тоғ яйловларида ҳайдаб боқилган. Чорвачиликнинг бу турида аҳоли сонининг кўпайиши билан чорвадорларнинг катта қисмининг ўтроқ ҳаётга ўтиб бориши кузатилади.

Тоғли ҳудудлардан фойдаланишда *тоғ-ўрмон боғдорчилиги* ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу ерларда қурилишда ишлатиладиган дарахтлардан арча, қарағай, оқ қайин, пихта, тол, терак, шумтол ўстирилса, мевали дарахтлардан ёнғоқ, писта, бодом, ўрик, олма, нок, гилос, зирк каби 80 турдаги дарахт ва буталардан фойдаланилган. Фарғона водийсида бундай ўзига хос «ўрмон-боғларнинг» асосий қисми атрофдаги тоғларда, қисман Марказий Фарғонанинг қумли массивларида жойлашган ва улар иқтисодий-экологик, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган.

Водий текислик ҳудудларининг юқори қисмидаги бу «ўрмон-боғлар» ўзига хос «қўриқхона»лар вазифасини бажарган. Уларнинг экологик функциясига ва сақланиш усулига кейинроқ тўхталамиз ва унинг ҳудудий тақсимланишини 5-илова бўйича таҳлил қиламиз. Фарғона водийсининг боғ майдонлари энг кўп бўлган вилоятлари Наманган ва Андижон ҳисобланиб, водийдаги боғларнинг 82,9 фоизи шу вилоятлар ҳиссасига тўғри келган. Ушбу ҳудудий тақсимот боғдорчиликнинг жойланишида ландшафт имкониятлари яхши ҳисобга олинганлигини кўрсатади**.**

Хулоса. Табиат ва унинг бойликларини авайлаб асраш аждодларимизнинг зардўштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан тарғиб қилинган. Қадимдан «муқаддас дарахт», «муқаддас ғор», «муқаддас булоқ», «муқаддас жой» деб эълон қилинган табиатнинг «азиз» жойлари қимматли, ноёб ва манзарали объектларнинг табиий ҳолда ҳанузгача сақланиб қолишида ижобий рол ўйнаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Тоғли ҳудудларда яшовчи аҳоли фақатгина чорвачилик билан чекланиб қолмасдан, лалмикор деҳқончилик билан ҳам шуғулланган.

Водийнинг шарқий ҳудудларига томон лалмикор деҳқончилик қилинадиган майдонлар миқдори ортиб бориши кузатилади. Бу ҳудудларда экиладиган донли экинлар орасида қайроқи буғдой, арпа, тариқ, қўноқ каби камсувталаб экинларнинг бўлиши, боғларда эса камсувталаб данакли боғлар майдонининг кўплиги аҳолининг ландшафт талабидан келиб чиқиб, ердан фойдаланишни оқилона ҳудудий ташкил этганлигини билдиради. Шундай қилиб тоғли ҳудудлардан фойдаланишда чорвачилик ва тоғ-боғдорчилиги етакчи тармоқ бўлган.

Адабиётлар рўйхати

1. **Аҳмадалиев Ю.** Ердан фойдаланишни худудий ташкил этишнинг социал-экологик хусусиятлари. Ўзбекистон География Жамияти ахбороти. Тошкент, 2003. 23-жилд. -Б. 58-59.

2. **Наливкин В.П.** Краткая история Кокандского ханства. –Казань, 1886. -216 с.

3. Обзор Ферганской области за 1887 г., -Новый Маргилан: Типография Ферг. Обл.правления. 1889 г. -С.3-48.

4. **Пуляркин В.А, Егоров И.Д.** Развивающиеся страны: природопользование и хозяйственный рост. –Якутск: Бичик.200. -192 с.

5. **Раевский Н.Н.** О развитий и улучшений культурқ хлопчатника в России И Средне –Азиатских ханствах. Санкт –Петербург: 1869. - 56 с.

6. **Саушкин Ю.Г.** Изберанные труды. Смоленск: Университет, 2001. -416 с.

7. Abdug‘aniyevich, A. H., & Abdumalik o‘g‘li, A. A. (2022). HUDUDNING TABIIY-GEOGRAFIK XUSUSIYATLARI AHOLI JOYLANISHIGA TA’SIR ETUVCHI OMIL SIFATIDA. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, *1*(12), 576-581.

8. Абдувалиев, А. Ҳ., & Абдулхамидов, А. А. Ў. (2022). МАРКАЗИЙ ОСИЁ АҲОЛИСИНИНГ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТИГА ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. *Academic research in educational sciences*, *3*(10), 435-440.

9. Gayratovich, M. E., Abdusattor, A., & Nematulloh, F. (2022). THE ROLE OF HISTORICAL AND CULTURAL MONUMENTS IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN THE FERGANA VALLEY. *Scientific Impulse*, *1*(4), 81-86.

10. Gayratovich, M. E., Abdusattor, A., & Begoyim, A. (2022). ORGANIZATION OF ECOTOURISTIC ROUTES IN FERGANA REGION. *Scientific Impulse*, *1*(4), 87-92.

11. Gayratovich, M. E., Abdusattor, A., & Abdulxamidovich, M. J. (2022). THE IMPORTANCE OF RELIGIOUS TOURISM IN PROTECTING THE NATURE OF FERGANA VALLEY. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, *2*(13), 145-149.

12. Abdug‘aniyevich, A. X. (2023). FARG ‘ONA VILOYATI NORASMIY MEHNAT BOZORLARI SHAKLLANISHINING GEOGRAFIK OMILLARI. *World of Science*, *6*(4), 574-580.

13. Abdug‘aniyevich, A. X. (2023). FARG ‘ONA VILOYATIDA NORASMIY MEHNAT BOZORLARI SHAKLLANISHINING O ‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *World of Science*, *6*(4), 581-587.

14. Abdumalik o‘g‘li, A. A. (2023). ECOLOGICAL ASPECTS OF PRIVATE PROPERTY NAMES TO TOPONIMIC OBJECTS. *World of Science*, *6*(4), 570-573.

15 Абдувалиев, А. Ҳ., & Абдулхамидов, А. А. Ў. (2021). ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОИЙИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, *2*(12), 1127-1136.

16. Абдуғаниев, О. И. (2022). ЛАНДШАФТ ВА БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ ГАТ-ТАХЛИЛ АСОСИДА БАҲОЛАШ. *Новости образования: исследование в XXI веке*, *1*(1), 53-58.

17. Abdug‘Aniev, O. I., & Turdiboeva, S. X. Q. (2021). FARG ‘ONA TUMANINING EKOLOGIK-XO ‘JALIK HOLATINI BAHOLASH VA OPTIMALLASHTIRISHNING GEOEKOLOGIK JIHATLARI. *Academic research in educational sciences*, *2*(7), 247-256.

18. Абдуғаниев, О. И., Комилова, Т. Д., & Муҳаммадюсуф, Т. Ў. М. (2022). УРБАНИЗАЦИЯЛАШГАН ҲУДУДЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ОЛАТИНИ БАҲОЛАШДА

ГАТ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, *3*(5), 757-765.

19. Абдуғаниев, О. И., & Нишонов, Б. (2022). Экологик-Хўжалик Ҳолатни Оптималлаштиришда Муҳофаза Этиладиган Табиий Ҳудудларнинг Аҳамияти. *Miasto Przyszłości*, *25*, 72-73.

1. Vosiljonov, A. (2022). Basic theoretical principles of corpus linguistics. *Academicia Globe: Inderscience Research*, *3*(2), 1-3.
2. Vosiljonov, A. (2022). LINGVISTIK TADQIQOTLARDA KORPUS O ‘RGANISH OBYEKTI SIFATIDA. *IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, *2*(11), 176-182.
3. Vosiljonov, A. (2022). PRAGMALINGVISTIKA VA UNING TAHLILIY SHAKLLANISH TARIXI. *Science and innovation*, *1*(B8), 99-105.
4. Vosiljonov, A. (2022). PRAGMALINGUISTICS AND THE HISTORY OF ITS ANALYTICAL DEVELOPMENT. *Science and Innovation*, *1*(8), 99-105.
5. Vosiljonov, A., & Isaqova, X. (2023). EFFECTIVENESS OF MOTHER TONGUE EDUCATION IN THE PRIMARY GRADES. *International journal of advanced research in education, technology and management*, *2*(2).
6. Dilshodbek o‘g‘li, R. S., & Boxodirjon o‘g‘li, V. A. (2022). XORIJ PSIXOLOGLARINING ISHLARIDA SHAXSNING TADQIQ ETILISHI. *INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION*, *1*(12), 39-47.

WORDLY
KNOWLEDGE